

## Қаттиқ шамол бўлганда айтиладиган зикрлар

Image not found or type unknown



18:37 / 09.03.2022 3576

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:

«Агар қаттиқ шамол бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

رَسَّوْا وَاوْرَسُوْا نَمَّ لَكُم دُوْعٌ اَوْ هَبْ تَلَسُّرًا اَمْ رَيِّحٌ وَاَهِي فَاَمْ رَيِّحٌ وَاَهِي فَاَمْ رَيِّحٌ كَلَّ اَسْرًا يِّنْ اِيْمًا لِّلْا  
هَبْ تَلَسُّرًا اَمْ رَسَّوْا وَاَهِي فَاَمْ

«Аллоҳумма инний ас`алука хойроҳа ва хойро ма фийҳа ва хойро ма урсилат биҳи ва аъзузу бика мин шарриҳа ва шарри ма фийҳа ва шарри ма урсилат биҳи», деб айтар эдилар. (Маъноси: Эй Раббим, Сендан унинг яхшисини, ундаги яхшилиқни ва у билан юборилган нарсанинг яхшисини сўрайман. Эй Раббим, Сендан унинг ёмонидан, ундаги ёмонлиқдан ва у билан юборилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман.)

*Имом Муслим ривоятлари.*

Абу Ҳурайрадан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шамол бандаларга юборилган раҳматдир. Гоҳида у раҳмат билан келади, гоҳида азоб билан. Агар шамол эсса, уни сўкманглар. Аллоҳдан унинг яхшисини сўраб, ёмонидан паноҳ тиланглар», дедилар.

*Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари.*

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам осмон уфқида тўпланган булутни кўрсалар, қилиб турган ишларини тўхтатардилар, агар намозда бўлсалар:

أَوْرَشَ مَنْ كَبَّ دُوعًا يِّنْهُ لَللَّ

أَيَّيْنَهَ أَبَّيَّصٌ لَللَّ

«Аллоҳумма инний аъзузу бика мин шарриҳа» (Эй Раббим, Сенинг номинг ила унинг ёмонлигидан паноҳ тилайман), деб айтардилар. Агар ёмғир ёғса:

«Аллоҳумма саййибан ҳаний`ан» (Эй Раббим, шалдираб оқувчи ёқимли ёмқир ёқдир), деб айтардилар.

*Абу Довуд, Насайй, Ибн Можа ривоятлари.*

Убай ибн Каъбдан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шамолни сўкманглар, агар бирор қарих нарсани кўрсанглар:

نَمَّ كَبَّ دُوعًا وَهَبْ تَرْمُ أَمْرِيَّحَ وَأَهِي فِ أَمْرِيَّحَ وَحِيَّ رَلَّ وَدَهْ رِيَّحَ نَمَّ كَلَّ أَسَنَ أَنْ إِيَّهَ لَللَّ  
هَبْ تَرْمُ أَمْرِيَّحَ وَأَهِي فِ أَمْرِيَّحَ وَحِيَّ رَلَّ وَدَهْ رِيَّحَ

«Аллоҳумма инна нас`алука мин хойри ҳазихир рийҳи ва хойри ма фийҳа ва хойри ма умирот биҳи ва наъзузу бика мин шарри ҳазихир рийҳи ва шарри ма фийҳа ва шарри ма умираат биҳи», деб айтинглар», дедилар.

(Маъноси: Аллоҳим, Сендан шамолнинг яхшисини ва ундаги яхшиликларни ва у билан буюрилган нарсаларнинг яхшилигини сўрайман. Ва Сендан, шамолнинг ёмонидан, ундаги ёмонликлардан ва у билан буюрилган ёмонликлардан паноҳ сўрайман.)

*Термизий ривоятлари.*

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан  
Таржимон Анвар Аҳмад**